

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 160 (10.969)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди.

• Тошкент вилояти Адлия бошқармасида Президентимизнинг шу йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Анжуманда иштирок этган ёш оилалар вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан аниқ жавоблар олдилар.

• Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Янгийўл туман кенгаши ташаббуси билан «Мустақиллик меннинг тақдиримда» мавзусида маърифий тадбир ташкил этилди.

• Навоий шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шiori остида эко-фестивал бўлиб ўтди. Тадбир доирасида юртимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган улкан ютуқлар акс этган фотосуратлар, миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъати кўргазмалари ҳам намойиш этилди.

• Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон фотойилномаси: Самарқанд — Тошкент» мавзусида фотокўргазма ташкил этилди.

• Чимбой тумани деҳқонлари кузги галла экишга киришди. Шу муносабат билан туманнинг «Қизилўзақ» фермер хўжаликлари бирлашмаси даласида ўтказилган кўргазмали семинар-кенгашда Тахтақўпир, Қораўзақ, Чимбой, Кегайли ва Нукус туманларида қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган мутахассислар ва фермерлар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди.

• Хоразм вилоятида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи «Ташаббус» нодавлат но-тижорат ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Ушбу ташкилотнинг «Қарорларни қабул қилишда ёшларнинг иштирокини фаоллаштириш» мавзусидаги лойиҳаси Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан маъқулланиб, уни амалга ошириш учун грант ажратилди.

• Бухоро шаҳридаги «Сомонийлар» истироҳат боғида уч кун давомида «Ковун сайли» бўлиб ўтди. Барча туманлардан ташриф буюрган юздан ортиқ полизкор-фермерлар ўзларининг ширин-шакар қовунлари билан сайил иштирокчиларини хушнуд этишди. Сайилда кўплаб хорижлик сайёҳлар ҳам қатнашди.

ЖАҲОНДА

• Туркияда Президент сайлови бўлиб ўтди. Шарҳловчилар мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги Абдулло Гулни президентликка асосий номзод сифатида кўрсатган бўлишса-да, бироқ у биринчи турда керакли бўлган 367 овоз ўрнига 341 та овоз олишга муваффақ бўлди. Қолган номзодлар жуда кам овозга эга бўлдилар. Энди сайловнинг иккинчи тури шу йилнинг 27 август куни бўлиб ўтади. Унда ҳам 367 та овоз тўлганда номзод президентликка сайланади.

• Россияда бугун Байроқ куни байрами кенг нишонланди.

• Кеча АҚШнинг «Индевор» шатли Флорида штатида эсон-омон қўнди. Фазогирлар 13 кун давомида коинотда бўлиб, бир неча бор оқик космосга чиқишга ҳам муваффақ бўлдилар. Айтиш керакики, «Дин» тўфони хавфи сабабли космик кема мўлжалдан бир кун олдин қўнишга мажбур бўлди.

• Кеча Мексиканинг Ютакан ярим оролига «Дин» тўфони хуруж қилди. Одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш мақсадида қўрилган чора-тадбирлар, хусусан, 700 та тўфондан сақланиш иншоотларининг бунёд этилиши ўз ижобий натижасини кўрсатди. Тўфон туфайли Канадада расмий сафарда бўлган мамлакат Президенти Фелипе Кальдерон ўз юртига қайтди.

• Канадада бўлиб ўтган Шимолий Америка давлатлари саммитида АҚШ ва Мексика Президентлари, Канада Бош вазирлиги иқтисодий ҳамкорлик, иммиграция, халқаро муаммолар, жумладан Канаданинг Афғонистондаги жангариларга қарши операцияларда иштирок этиши масалаларини кўриб чиқдилар.


• Халқаро валюта фонди Грузияга 21,3 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз беришга қарор қилди. Айтиш керакики, ХВФ Грузия томонидан қашшоқликка қарши курашиш ва иқтисодни мўтадиллаштириш йўлида олиб борилган ишларни ўрғаниб чиққандан сўнг шундай қарорга келди.

• Исроилнинг Фазо секторига қуролли ҳужум уюштириши оқибатида иккита ўсмир ҳаётдан кўз юмди. Исроил мамлакатаи маъмурулари жангариларга қарши ҳужум уюштириганини таъкидламоқда.

• Грециянинг Салоники шаҳрида нигериялик мухожирнинг ўлими туфайли оммавий тартибсизликлар бўлиб ўтди. Полиция билан тўқнашувлар чоғида бир неча киши ҳибсга олинди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 23 август куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундага 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

• **КЕЧА** Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган хайрия тадбири Ижтимоий ҳимоя йили ва юртимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланди.

• **КЕЧА** Бектемир туманидаги «Истикбол» маҳалла гузарига маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» мавзусида Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий тадбир Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар ва Бектемир туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

• **БУГУН** Бектемир туманидаги «Аст-робод» гузарига Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан туман ҳокимлиги ҳомийлигида кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйлари уюштирилди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи қошида ташкил этилган болалар кўчирчоқ театри ўзининг янги мавсумини «Зумрад ва Қиммат» ҳамда «Дон қиз» спектаклини намойиш этиш билан бошлади.

• **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «Чархпалак» қаҳвахонасида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамоияти Собир Раҳимов туман Кенгаши, «Қамолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамда «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг туман таянч маскани ҳамкорликларида фахрийлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланди.

• **БУГУНДАН** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги, Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб ташкиллаштирилган «Мустақил она юрт чаманзор бўлсин» деб номланган халқ сайли бошланди. Ушбу тадбир икки кун давом этади.

• **КЕЧА** Учтепа тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан халқ таълими муассасалари маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари ва ўқитувчиларининг анъанавий Август анжумани ўтказилди.

• **ТАШҚИ** иқтисодий фаолият миллий банкида банк соҳаси мутахассислари, ходимлари иштирокида ўтказилган йилгиликда жорий йилнинг олти ойи мобайнида бажарилган ишлар ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.


(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ҲАМ БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси 2007 йил 24 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатиغا

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 23 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинди.



Тиббиёт

МАҚСАДИМИЗ ЭЛ САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАШ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ ИҚТИСОДИНИНГ ЎСИШИ ҲАР СОҲАДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ЗАМИРИДА 1987 ЙИЛДА ЎЗ ИШ ФАОЛИЯТНИ БОШЛАГАН ВА БУГУНГИ КУНДА КАТТА ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИБ, МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН «НИҲОЛ» ТАЖРИБА ЗАВОДИНИНГ ҲАМ МУНОСИБ УЛУШИ БОР.

Фармакология соҳасида иш олиб бораётган корхоналар ичида етакчилар қаторидан ўрин олган ушбу заводда 100 хилдан ортиқ дори-дармонлар, физиологик эритмалар ва бошқа саломатликни тиклашга хизмат қиладиган тиббиёт анжомлари ишлаб чиқарилади.

«Ниҳол» тажриба заводи Франция, Германия, Италиядан келтирилган юқори унумли технологиялар билан жиҳозланганлиги учун ҳам ҳар қандай хорижий корхоналар маҳсулотлари би-

лан рақобатлаша оладиган дори-дармонлар билан эл назарига тушган десак асло хато бўлмайди.

— Олдинда катта иш режаларини мўлжаллаб қўйганмиз, — дейди биз билан суҳбатда «Ниҳол» тажриба заводи директори ўринбосари Шукрилла Қосимов. — Улардан бири хорижлик шериклар билан қўшма корхона очиш, тажрибаларимизни ўртоқлашиб янги-янги, эл саломатлигини тиклашга хизмат қиладиган дори-дармонлар ишлаб чиқаришдир. 2-2,5 миллион долларлик маблаг ўзлаштирилиб Германия, Италия каби давлатлар билан ҳамкорлик кўзланётган ушбу режамиз амалга ошса албатта иш унуми янада ортади, янги ишчи ўрни яратилади.

Яна шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, кейинги йилларда солиқ соҳасидаги янгиликлар ҳам ишимиз ривожига муҳим омили бўлди. Хусусан фармацевтика саноати корхоналарини қўшимча қиймат солигидан озод

қилингани боис иқтисод қилинган маблаглар корхонанинг ривожига йўналтирилмоқда.

Айни кунларда корхонада 250 нафар юқори малакали ходимлар фаолият юритяпти. Бундан ташқари касаначилик дастури асосида 30 киши уй шароитида корхонанинг тегишли буюртмаларини бажариб келмоқда. Йилмизнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши муносабати билан, қолаверса ҳар йили турли хайрия акцияларида қатнашиб келамиз. Шаҳримизда меҳрибонлик, саховат уйлари тарбияланувчилари, ногирон ўғил-қизлар учун бепул дори-дармонлар етказиб берилади.

Мақсадимиз тобора яқинлашиб келаётган Энг улғу байрамни зиммамиздаги топшириқларни вақтида бажариб ёруғ юз билан кутиб олишдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: «Ниҳол» тажриба заводи фаолиятдан лавҳа.

МОВАРОУННАҲР ГАНЖИНАЛАРИ

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ (ISESCO) ТОМОНИДАН ТОШКЕНТНИНГ 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАҲОНДА ЎЗБЕКИСТОНГА, ЖУМЛАДАН, ТАБАРРУК ЗАМИНИМИЗНИНГ БОЙ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ КУНИ, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ КЎХНА ШАҲАРЛАРИДА ҚАРОР ТОПГАН БЕБАҲО МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИГА НИСБАТАН ҚИЗИҚИШ ЯНАДА ЎСМОҚДА.

Яқинда Кувайтнинг марказий нашрларидан бири бўлиб «Ал-Кабас» газетаси ўз мухбири Фози ал-Жасимнинг Ўзбекистондаги тарихий шаҳарлар — Бухоро ва Самарқандга бағишлаб ёзган мақоласини эълон қилди. Оммабоп кундалик нашр ҳисобланган «Ал-Кабас» 250 минг нусхада чоп этилади. У Кувайтдан ташқари, қатор араб давлатларида, хусусан, Саудия Арабистони, Қатар, Ўмон ва Баҳрайнда ҳам тарқатилади.

«Урта асрларда Самарқанд Мовароуннаҳрдаги муҳим шаҳар ҳисобланган, — дея ёзилади «Самарқанд — Мовароуннаҳр ганжинаси» номи ушбу мақолада. Эраимиздан аввалги 228 йилли Искандар Зулқарнайн Самарқандни забт этган кезларида шаҳар Мароқанд номи билан юритилар эди. Мўғул ҳукмдори Чингизхон боқини натижасида вайрон этилгунига қадар шаҳар Афросиёб номи билан аталган.

XIV аср охирида Амир Темур шаҳарга янги ҳаёт олиб кирди ва ўз салтанатининг пойтахти, деб эълон қилди. У кўплаб ҳарбий юришлар олиб борди ва қудратли давлат барпо этди.

Мақолада, шунингдек, шаҳар айнан Амир Темур туфайли қайта туғилгани қайд этилади. «Айни пайтда сайёҳлар зиёрат қилаётган кўплаб тарихий биноларни Амир Те-

мур, унинг ўғли Шоҳруҳ ва невараси Улуғбек Мирзо курдирган. Шаҳарда бунёд этилган мадрасаларда, масжид минораларда ўз даврининг энг замонавий меъморчилик санъати услублари, безаклар ва Қуръон битиклари ўз аксини топган».

Буюк давлат арбоби ва олим Улуғбек ҳақида тўхталар экан, журналист куйидагиларни ёзади: «У ўзининг маданият, санъат, илм-фан ва бунёдкорликка нисбатан чуқур муҳаббати билан ажралаб турар эди. У атрофига жаҳоннинг турли бурчакларидан етук олимларни тўплади, ҳозирга қадар унинг номи билан атаб келинаётган расадхона ҳамда илми толиблар турли фанлардан сабоқ оладиган мадраса курдирди. У, шунингдек, мусика ва рақсни севад эди.

Муаллиф шуни ҳам таъсиф билан таъкидлайдики, Улуғбек буюк мусулмон алломи ва тахт эгаларида бири бўлишига қарамай жўғрофий жиҳатдан масофа узоклиги боис вақт ўтиши билан араблар унинг номини унута боришди.

Ҳозир ал-Жасимнинг ёзишича, Хитойни Фарб ва Европа билан боғловчи Буюк Ипак йўли шарафига Самарқанд дарвозаларидан бирининг номи «Хитой дарвозаси», деб номланган. Самарқанднинг бу кўхна йўлда жойлашгани кўп жиҳатдан

шаҳарда савдо-сотиқнинг гуллаб-яшнашига имкон яратган.

«Самарқанд марказида Амир Темур томонидан бунёд этилган Биҳиконим масжиди жойлашган бўлиб, унинг қурилиш ашёлари дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган, деб ёзади ушбу масжид ёнидаги 50 метрлик минарнинг рангли кошинкор безакларидан хайратга тушган муаллиф. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ислом маданиятининг янги, бетакрор меъморий ёдгорликларини қуриш, қайта тиклаш ва асраб-авайлаш бўйича амалга оширилаётган салмоқли ишларни ёдга олиш жоиздир. Жумладан, кўплаб тарихий ёдгорликлар қайта тикланди, Самарқанддаги масжид ва мадраса яна ўзининг илк гўзаллигини намойиш этмоқда.

Ҳозир ал-Жасим ўзининг «Бухоро тарихи» номи мақоласида эса куйидагиларни қаламга олган: «Эраимиздан олдинги даврлардаёқ қарвон йўллари чорраҳасида жойлашган Бухоро муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бунга кўпгина жиҳатлар, аввало, шаҳарнинг қўлай жойлашуви, унумдор тупроғи, тоза ичимлик сувининг етарли миқдорда эканлиги имкон берган. Шу боис қадим даврлардан буён қар-

вонлар бу ерда дам олиш ва узоқ йўл учун зарур захира-ларни гамлаш учун тўхтаган. Машҳур араб тарихчиси ва жўғрофи Ёқут ал-Ҳамавий Бухорони «Мовароуннаҳрнинг энг яхши шаҳри», деб таърифлаган бўлса, Марко Поло Хитойга саёхати ҳақидаги ўз китобида унга «қалбинг истаган ҳамма нарсани топиш мумкин бўлган жой», деб баҳо берган.

«Жаҳон» АА

2007— Ижтимоий ҳимоя йили

САХОВАТДАН ДИПЛАР ЯЙРАДИ

ХАЛҚИМИЗГА ХОС САХОВАТПЕШАЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК, МЕҲР-МУРУВВАТЛИЛИК СИНГАРИ ОЛИЖОНА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИДА ЯНА ХАМ ЁРКИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА. ҚУВОНАРЛИСИ, ЙИЛДАН ЙИЛГА ЭЗГУ ВА ХАЙРЛИ ИШЛАР КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗМОҚДА. БУЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ ЯНАДА ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ, ТИНЧ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ БИР-БИРИГА МЕҲР-ОҚИБАТЛИЛИГИ, ҲАМДАРД, ҲАМНАФАСЛИГИДАН, БАҲАМЖИҲАТЛИГИДАН ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ.

Мана ҳозирда айна, тўйлар тўйларга улганган палла. Карнай-сурнай наволари қайси бир хонадонда янграб, яқинлар ва дўст-биродарларни ниҳоятда орақиб қутилган бахтиёр кунга чорламоқда. Хар кимни тўйга етказсин, деб ният қиламиз ҳамisha. Мана шундай эзгу ният билан фарзандларининг тўйларини қилиб, орзу-ҳавасларини кўриб юриш орзусида юрган ҳамшахарларимиздан бир нечтала ёки яқинда мана шундай бахтиёр кунларга етказганига шукроналар айтиб, саховатли инсонларга, хусусан Ўртабшимомига миннатдорлик изхор этишди. Президентимизнинг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг «Хар бир туманда аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасидан 5 та ёш оилага тўйларини ўтказиш ҳамда маънавий шароитларини яхшилашда ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиб бориш

тўғрисида»ги 73-банди ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган, кўп болали, (етим-есир) ва уй-жойга муҳтож ёш оила қурувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тўй маросимларини ўтказиш, уй-жой олишлари борасида имтиёзли кредитлар ажратиш белгиланди ва бу ишлар кенг қўламада амалга оширилмоқда. Айна кунларда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир туманда 5 тадан кам таъминланган ёш оила қурувчилар рўйхати тузилиб, ҳомийлар кўмағида тўй маросимлари ўтказилмоқда. Жумладан, яқинда «Шарқ» ресторанида Собир Раҳимов туман ҳокимлиги томонидан туманда истиқомат қилувчи бешта келин-куёвларнинг, шунингдек, «Замин» қаҳвахонасида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан битта келин-куёвларнинг «Корасу» қаҳвахонасида ҳам Миробод туман ҳокимли-

ги томонидан битта келин-куёвларнинг ниҳоят тўй маросимлари ҳомийлик асосида ўтказилди. Тўйхоналар «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши томонидан шар ва гуллар билан безатилди. Бахтиёр ёшларнинг ниҳоят тўйлари севимли санъаткорларнинг дилтортар қўшиқларию шўх рақслар, дўсту қадрдонларнинг самимий дил сўзлари билан янада файзли ўтди. Муваффақиятқа қадам қўйган келин-куёвларга Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда туман ҳокимиятлари, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими лари ва бошқа ҳомийлар томонидан қимматбах оғдаслик совғалари тақдим этилди.

Бундай яхши ният, хайру саховат билан бошланган тўй маросимлари бошқа туманларда ҳам давом этмоқда.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: туманларда ўтказилган тўй маросимларида лавҳалар



Маънавият тарғибот марказлари фаолиятидан БУ БАЙРАМ— БАРЧАМИЗНИКИ

Яқинда шаҳримиздаги «НИЛУ» КАФЕСИДА УЧТЕПА ТУМАН ҲОКИМЛИГИ, ТУМАН МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ КЕНГАШИ ҲАМДА «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ, «КАМОЛОТ» ЁИХ ТУМАН БЎЛИМЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБИТИ БИЛАН «БУ БАЙРАМ БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ» МАВЗУИДА МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллоев ва бошқалар «Ватан муқаддас саждаҳидир», «Маънавият — миллат кўзгуси», «Орт тинчлиги-халқ бойлиги», «Маданиятимиз илдизлари» мавзуларида сўзга чиқшди.

Улар ўз сўзларида юртимиздаги маънавий-маърифий, сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар ва уларнинг аҳамияти, бугунги кунда олиб борилаётган туб ислохотларнинг моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат туйғулари шакллантириш, аҳолининг кенг қатламлари, авваломбор, ёшларни исонпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини уларга кенгроқ етказиш ҳақидаги қизиқarli фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан сўнг эл севган санъаткорлар Илҳом Фармонов, Абдулла Қурбонов, Тожибар Азизова ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан йиғилганларни ҳушнуд қилдилар.

ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

ЧИЛОНЗОР ТУМАН ҲОКИМЛИГИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИР ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 25 АВГУСТАГИ «МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРБИОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ Тўғрисида»ги ҚАРОРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ.

«Маънавият бугундан бошланади» мавзудаги тадбирни туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими хамкорликда ўтказилди.

Тадбирда бугунги кунда туманда маънавий-маърифий йўналишдаги ишларнинг олиб борилиши, жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти, маҳалла фаоллари ва аҳолининг ёшлар тарбиясидаги роли, маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшларнинг бўш вақтларини умумий ўтказишга қаратилган тадбирлар, шунингдек мактаб, ўқувчиларининг таътил даврини сермазун ўтказиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз борди. Қизиқarli фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган маънавий-маърифий тадбир барча иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

Гулчехра САТТОР қизи

Анжуманлар

ЖАҲОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ САРИ ЙЎЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ИШИГА ЖОРИЙ ЭТИШ БОРАСИДА КЕНГ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. УШБУ ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ—ЭЛЕКТРОН СИНФЛАР, ТУМАНЛАР ВА МАКТАБЛАРНИНГ АХБОРОТИ РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ ОРҚАЛИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ УЧУН ЖАҲОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ ЙЎЛ ОЧИШДАН ИБОРАТДИР.

Шу мунособат билан кунги кеча Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида «Мактаб ахборот ресурс марказларида жажон ахборот ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Унда пойтахтимиздаги 110, 259, 160, 300, 61, 16, 249- мактабларнинг директорлари, ахборот ресурс марказлари раҳбарлари, шунингдек, Тошкент вилоятининг Зангиота, Ангрён, Чиноз, Чирчиқ, Пскент, Қибрай Оҳангарон туманлари мактабларидан бир гуруҳ вакиллар иштирок этдилар.

Анжумани мазкур кутубхонанинг Ахборот технология бўлими бошлиги Улфат Собиров кириш сўзи билан очар экан, ҳозирда ахборот технологияларини жорий этишининг ишлаб чиқилаётган қатор дастурлари ва улар сирасига кирувчи умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш,

компьютер анжомлари билан жиҳозлаш, мактаб кутубхоналарининг ресурс марказларини Интернетга улаш, мактаб ахборот марказларини ва уларнинг электрон синфларини «ZioNet» тармоғига улаш дастурлари борасидаги олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириги «ZioNet» бўлими вакиллари Д. Қаюмов ва Б. Саидвалиев «ZioNet» тармоғига улаш йўллари ва АРМ қошидаги Интернет синфини ташкил қилиш, ҳодимларнинг иш вазибалари, Интернетда ишлаш регламент ҳужжатлари мавзуларида фикр юритдилар.

Анжуман доирасида болалар ва ўсимирлар учун Интернет синфларини ташкил этиш бўйича амалий масалалар кўриб чиқилди.

Дарҳақиқат, республикамиз мактаблари, академик лицейлари, ахбо-

рот ресурс марказларининг халқаро ахборот тармоқлари, шу жумладан Интернет тармоғи орқали ахборот технологияларидан самарали фойдаланишларини ташкил этиш учун уларни «ZioNet» тармоғига улаш дастурлари амалга оширилмоқда. Бу эса, юртимизнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ёшларнинг маънавий, ақлий жиҳатдан кам топширишга қўмаклашадиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, таҳлилий-маърифий, илмий ҳамда бошқа ахборотлардан кенг қўламада фойдаланишларига имкон яратади.

— Бугунги кунда республикамизнинг 800 та умумтаълим мактаблари замонавий Интернет тармоғига улганган. Жорий йилнинг охиригача эса, 2154 та умумтаълим мактабларини замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминлаш кўзда тутилган.

— Бугунги анжуман барчамиз учун бирдай манзур бўлди, — дейди шахримиздаги 249-мактаб вакили С. Исаҳужаев. — Биз ўқувчиларга замонавий электрон усуллардан умумий фойдаланган ҳолда билим беришимиз керак, албатта. Ватанимиз келажги билимли, доно, зукко ёшлар қўлида экан, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш асосий вазифамизга киради. Жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозланган электрон синфларда дарс ўтиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бундай ҳамкорликдаги анжуманларни тез-тез ўтказиб туриш эса ушбу масалаларнинг ечимини тезлаштиради.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҲЪАТИ ФОРУМИ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН МИЛЛИЙ САҲЪАТ МАРКАЗИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «BAZAR-ART — 2007» КўРГАЗМАСИНИНГ ЁПИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

КўРГАЗМА ИҚТИДОРЛАРИ КАШФ ЭТДИ

Ушбу кўргазмада республикамизда ижод қилиб келаётган бир юз тўрт нафардан ортиқ маҳоратли уста ва ҳунармандлар ўз ижод маҳсуллари билан қатнашди.

— Мен иш бошлаганимда доим тарихга муурожаат қиламан. Барча вилоят аҳолисининг урф-одатларини ўрганиб бораман. Тўғри, ишим жуда катта меҳнат талаб қилади, лекин меҳнатингизга одамларнинг қизиқишини кўргангиздан кейин яна ижод қилишга чоғланасиз. Янги-янги истеъдодларни кашф қилган ушбу кўргазмадан кўп нарса ўргандим, — дейди тошкентлик ҳунарманд Н.Аҳмедова.

Тадбирда саккизта йўналиш бўйича жамғармининг дипломи ва совғалари топширилди. Бош мукофотни «Миниатюра ва наққошлик устаси» йўналиши бўйича Б. Ўйдошев қўлга киритди. У Францияда ўтадиган «Ипак йўли ва сайёҳлик» кўргазмасида қатнашди. «Ўзбектуризм» МК, «Усто» халқ ҳунармандлари уюшмаси, «Ренессанс» галереяси, «Устода» халқ амалий санъати усталари корхонаси, Кореянинг «Вонгян» компанияси вакиллари хам ижодкорларга ўз совғаларини топширди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Ўзига хос шарқона меъморчилик усулида бунёд этилган ёдгорлик макбараси ва унинг ёнидаги масжид собиқ шўролар тузуми пайтида жуда ночор аҳволга келган эди. Хусусан, макбара йўқ бўлиб кетиш даражасида эди, десак адашмаймиз. Хайриятки, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизнинг қадимий шаҳарларидидаги Шарқ меъморлик санъатининг дурдоналари бўлмиш тарихий обидаларни сақлаш, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратилаётганлиги боис ушбу макбарада ҳам таъмирлаш ишлари бажарилди, масжид олдига тўсин тоқили, устунли айвон қурилди. Навбат ганч ва нақш ишларини бажаришга келди...

Шу ўринда бироз чекиниш қилиб қўли гул усталарибимиз яратган дурдоналарни кўриб ҳайратга тушган хорижлик бир меҳмоннинг айтган сўзларини «Оқшом» муштарийларига етказиб қўйишга жазм этдик.

Болиқубуилик ёзувчи аёл пойтахтимиз марказида қад кўтариб турган, ўзбек ўймакорлик ва наққошлик санъати дурдоналарини ўзида мужассам этган маҳобатли қаср — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик опера ва балет Катта театри биносининг ганч ўймакорлик безакларини томоша қилар экан: «Е Худойим, шундай гўзалликни ярата олган инсоннинг қалби қанчалар гўзал бўлар экан?» деб хитоб қилганди. Ана шу гўзал таъриф таникли ганчкор, Ўзбекистон халқ устаси Асрол Мухторовга ҳам бевосита тегишлидир. Чунки у меъморчиликда ганч ўймакорлигини моҳирона қўллаётган қўли гул, моҳир устадир. Ана шу боис ушбу ёдгорлик макбарасида амалга ошириладиган ганчкорлик ва нақш ишлари Асрол Мухторов етакчилигидаги маҳоратли усталар зиммасига топширилди.

— Мухтарам Ўртабшимомиизнинг Ҳазрати Имом мажмуасида кенг қўламли қайта тиклаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишга шахсан ўзлари раҳнамолик қилганликлари, қурувчи усталар шаънига билдирган самимий сўзлари бизларни ҳам гоёт тўлқинлантириб юборди, — дейди Асрол Мухторов. — Бунинг устига Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотли бўлими ISESCO томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деган номининг берилиши ҳар бир юрдошимиз катори бизларни ҳам қувонтирди. Дарҳақиқат, давлатимиз пойтахти — барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган азим Тошкент шаҳрининг ана шундай юксак обрў-эътиборга эришганлиги мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеадир. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида

ҲУНАРИ ВА ҚАЛБИ ГЎЗАЛЛАР

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДАГИ ҚОРАСАРОЙ КўЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН ҲОЖИ ХАЛИФА МУЪИН БИН МУЛЛО АВАЗ МУХАММАД ЭШОН БОБО ЁДГОРЛИК МАКБАРАСИДАГИ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ АЙНИ КЕЗЛАРДА ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА. ҚўЛИ ГУЛ УСТАЛАР УШБУ ИНШООТДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҚУТЛУҒ 16 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ЧА ПӨНИГА ЕТКАЗИШ МАҚСАДИДА ҒАЙРАТ-ШИЖОАТ КўРСАТИБ МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР.

— Ҳожи Халифа Муъин бин мулло Аваз Мухаммад Эшон бободек улуг зотга авлод бўлганимдан гоёт фажрланаман, — дейди тўлқинланиб яна бир сўхбатдошимиз Алишер ака Хамидов. — Истиқлол шарофати, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда бекис ўзгаришлар юз бермоқда. Буни биргина бизнинг оиламиз, шажарамиз мисолида хам яққол кўриш мумкин. Бобокалонимиз макбараларининг аввалги аҳолини кўз олдимга келтирсам фақат хўрлигим келади. Макбаранинг ҳозирги ҳолати кўрган кўзни қувватлади. Бу ерда қурилиш ва таъмирлаш ишларини адо этаётган ганчкорлик дурдоналарини яратётган уста Асрол ака бошчилигидаги ўз касбининг чин фидойиларига ташаққурлар билдирдим.

Дарҳақиқат шундай! Уста Асрол Мухторов етакчилигидаги ҳунари ва қалби гўзал инсонлар ёдгорлик макбарасида улкан ишларни амалга оширдилар. Бундай хайрли юмушларни бажариш айна шу кезларда ҳам давом этмоқда.

— Ҳожи Халифа Муъин бин мулло Аваз Мухаммад Эшон бободек улуг зотга авлод бўлганимдан гоёт фажрланаман, — дейди тўлқинланиб яна бир сўхбатдошимиз Алишер ака Хамидов. — Истиқлол шарофати, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда бекис ўзгаришлар юз бермоқда. Буни биргина бизнинг оиламиз, шажарамиз мисолида хам яққол кўриш мумкин. Бобокалонимиз макбараларининг аввалги аҳолини кўз олдимга келтирсам фақат хўрлигим келади. Макбаранинг ҳозирги ҳолати кўрган кўзни қувватлади. Бу ерда қурилиш ва таъмирлаш ишларини адо этаётган ганчкорлик дурдоналарини яратётган уста Асрол ака бошчилигидаги ўз касбининг чин фидойиларига ташаққурлар билдирдим.

Дарҳақиқат шундай! Уста Асрол Мухторов етакчилигидаги ҳунари ва қалби гўзал инсонлар ёдгорлик макбарасида улкан ишларни амалга оширдилар. Бундай хайрли юмушларни бажариш айна шу кезларда ҳам давом этмоқда.

Ёдгорлик-зиёратгоҳнинг узунлиги 26 метр бўлиб, у олди очик айвон ва 4 та хонадан иборат. Зиёратгоҳ ичкарисидан ганчкорлик ишлари юксак маҳорат билан амалга оширилди. Хоналарнинг шифтлари ганчкорлик

безаклари билан жилоганди, олма қандиллар ўрнатилди, деворлари ганч устунлари билан уйғунлаштирилди, Тошкент услубида ясалган ислимий ва гирихли устун ва панжаралар билан безатилди. Шифтга ганчдан ишланган ўйма, деворга эса осиладиган қандиллар ўрнатилди.

— Тўртта хонадан бирига шарқона арк қилинди, йўлак деворлари ганч устунлари билан безатилди, — дейди Асрол Мухторов. — Бошқа бир хона музейга айланади. Унинг деворлари 2 та қосомон ва 2 та ганч палаги билан безатилади. Қосомонга улуг бобомизга тегишли бўлган муҳрлар, туғлар, уй-рўзгор анжомлари, ул зот кийган либослар, таққан туморлар ва бошқа ашёлар ҳамда турли анжомлар қўйилади. Бир сўз билан айтганда, музей бу ерга ташриф буорадиганлар учун ҳақиқий зиёратгоҳга айланади.

Яна бир гап: ёдгорлик-зиёратгоҳнинг айвонидаги деворга Ҳасни Имом ганч палаги ўрнатилди. Айвон пештоқига ва хоналарга Қуръони карим оятлари битилди. Шунинг биргина ўзи хаттотлик санъатининг қанча-қанча ўзига хос сирлари борлигидан, унинг ўзи бир олам эканлигидан дарак беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ёдгорлик-зиёратгоҳнинг ҳамма хоналарида олма қандиллар бўлади, айвондаги деворларига қандиллар ёпиштирилади, айвон шифтга эса 3 та маҳобатли олма қандиллар ўрнатилди. Барча ганчкорлик дурдоналари уста Асрол Мухторовнинг устaxonасида,

Унинг ўз услуби, Тошкент мактаби асосида яратилган. Зиёратгоҳга ўрнатилган Ҳасни Имом ганч палаги қосимлик рамзини, бошқа ганчкорлик дурдоналари осмонимиз мусаффолигини, дунёнинг кенглиги ва чексизлигини билдиради.

Айни шу кунларда ёдгорлик-зиёратгоҳда ишлар қизгин. Ўзбекистон халқ устаси, Ўзбекистон Бадий академиясининг Олтин шишони соҳиби таникли ганчкор Асрол Мухторов етакчилигидаги маҳоратли усталар — Исроил Ражабов, Саидикром Мухторов, Абдужаббор Ахоров, Нурилла Жўраев, Абдусаттор Ахоров, Асатилла Жўраев, Абдуазим Ахоровлар ушбу иншоотни Истиқлол байрамининг 16 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш мақсадида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Биз эса эзгулик йўлида қилинаётган улуг ва савобли ишларига омад тилаб, улар ҳақидаги дил сўзларимизни шу ерда мухтасар этамиз.

Солих ЁҚУБОВ СУРАТДА: Ўзбекистон халқ устаси Асрол Мухторов (чапдан биринчи) қутлуғ иншоотда бажарилиши керак бўлган навбатдаги вазифаларни шогирдлари билан муҳокама қилмоқда.

Унинг ўз услуби, Тошкент мактаби асосида яратилган. Зиёратгоҳга ўрнатилган Ҳасни Имом ганч палаги қосимлик рамзини, бошқа ганчкорлик дурдоналари осмонимиз мусаффолигини, дунёнинг кенглиги ва чексизлигини билдиради.

Айни шу кунларда ёдгорлик-зиёратгоҳда ишлар қизгин. Ўзбекистон халқ устаси, Ўзбекистон Бадий академиясининг Олтин шишони соҳиби таникли ганчкор Асрол Мухторов етакчилигидаги маҳоратли усталар — Исроил Ражабов, Саидикром Мухторов, Абдужаббор Ахоров, Нурилла Жўраев, Абдусаттор Ахоров, Асатилла Жўраев, Абдуазим Ахоровлар ушбу иншоотни Истиқлол байрамининг 16 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш мақсадида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Биз эса эзгулик йўлида қилинаётган улуг ва савобли ишларига омад тилаб, улар ҳақидаги дил сўзларимизни шу ерда мухтасар этамиз.

Солих ЁҚУБОВ СУРАТДА: Ўзбекистон халқ устаси Асрол Мухторов (чапдан биринчи) қутлуғ иншоотда бажарилиши керак бўлган навбатдаги вазифаларни шогирдлари билан муҳокама қилмоқда.

Таълим АСОСИЙ ҚўЛЛАНМА СИФАТИДА ЎҚИТИЛАДИ

«ФИЗИК ВА КАЛЛОИД КИМЁДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР» ДЕБ НОМЛАНГАН ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАСИ БОСМАН ЧИҚДИ.

24 та амалий машғулотни ўз ичига олган бу китоб ўтган ўқув йилида муваффақият билан синовдан ўтганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Янги 2007-2008-ўқув йилида эса мазкур нашр асосий қўлланма сифатида ўқитилади.

«Фан» нашриёти чоп этган ушбу қўлланмада кўзга кўринган бир гуруҳ ўзбек кимёгар олимларининг фаолиятлари ҳам ўз ифодасини топди. Бундан ташқари физик ва каллоид кимё бўйича қўлланмадан атамаларининг изоҳли луғати илова қилинди.

ЯНГИ ДАРСЛИК

ТИББИЁТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБА-БАКАЛАВРИАТЛАРИ УЧУН ЯНА БИР ЎҚУВ АДАБИЁТИ ЧОП ЭТИЛДИ. РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МўЛЖАЛЛАНГАН УШБУ «ЎЗБЕК ТИЛИ» ДАРСЛИГИ ТАЪЛИМ АНДОЗЛАРИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ЯРАТИЛДИ.

Тошкент Педиатрия-тиббий институтининг Ўзбек тили кафедрасида Кавсар Турдиева ва Дилбар Аҳмедова муаллифлигида босмага тайёрланган бу қўлланма ўз мазмун-мундарижаси билан ҳам аҳамиятлидир. Унда берилган машқлар русий забон талабаларининг ўзбек тилини яхши ўзлаштиришларига ёрдам беради. Лексик-грамматик билимларга доир дарс намуналари ҳам изчилликда ёритилган.

Дарсликка ўзбекча-русча луғатнинг илова қилиниши ҳам айна мурда бўлди. Ушбу дарслик янги 2007-2008 ўқув йилидан таълим жараёнига татбиқ этилади.

Анвар ЙўЛЧИЕВ

ОЗ-ОЗ УЎРГАНИШ ДОМО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ҲИҚМАТЛАР

Билим оталар сўзида жамланган: Оталар сўзидир биз учун мерос, Оталар сўзининг нафи бекиёс.

Хунарлар керак эр йигитга, билим, Агар етсин деса ҳар ишга қўлим.

Ёмонлик ўтида ёнади ёмон, Ёрдам деб ўлторма, ёмон беомон.

Эзгулар ўлса ҳам, исми ёд қолди.

Ўлимни ҳақ билган халққа яқиндир, Ўлиб ҳам тирикка ибрат, нақддир.

Очунда нима бор ортик билимдан? Билимсизлик асли қаттиқ ўлимдан.

Қиличи қўл халққа беради буйруқ, Қаламли қўлдандир ҳақи йўл-йўриқ.

Билимсиз кўр эрур очик кўз билан, Билимли кўрни кўр-кўрди сўз билан.

Заковат кўрки-сўз, тил кўрки сўздир, Одамзот кўрки-юз, юз кўрки кўздир.

Инсонким, сўз айтди-лисон туфайли, Яхши сўз туфайли юзи чиройли.

Синаган киши эл-юрт ишини яхши билади.

Асл киши(лар) икки турлидир, кўргин, Бири-бек, бири-доно, кишилар боши. Бундан бошқа барчаси йилки саналади, Истасанг бунисини танла, истасанг унисини.

Шоҳ улким, қиличи ёни кўрқутса, Адолат кучидан идора тутса.

Уқув-идрок қора тунига чироқ, Билим нури билан ёнар яхшироқ.

Уқув кут беради, билим-шараф-шон, Шу икков туфайли улугдир инсон.

Билимдон ўз билимлари туфайли бало-офатлардан омон қолади.

Дунёдаги турли-туман санъат сон-саноксиз хунарлар ўқув ва билимга таянган учун макталади, тиллардан-тиллarga кўчи юради. Уқув-идрокдан озгина улш олган киши ҳам талай наф кўради. Зехн солиб қара ва билгинки, куйидаги тўрт нарсанинг озини ҳам асло оз ҳисоблаб бўлмайди: Бу тўртнинг бири—ўт, бирови—ёғи(й), Учинчи—касаллик—умр тузоғи.

Яна бу билимдир уларнинг бири, Бошингда балинд туриш—шу улар сири.

Билим кимё мисол: у туради жам, Заковат саройи каби ўзи ҳам.

Заковат ўзаро онт ичишиб дўстлашган кишиларга ўхшаса, билим яқин қариндошларга ўхшайди. Буни дилга тугиб олиш лозим. Дўст-оғайнилар, қариндош-уруғлар даврасидаги киши ўзини дадил сезади.

Зиёли руҳ боис, қолмай ҳеч ниҳон, Заковат кўзидан ёрийд жажон.

Зукколар сўзи бор—келар узокдан: Осий ҳам билим-ла чикди дўзахдан!

Беақл, телбадан айтай бир нақл: Бефарқдир—умрини узун, калта қил.

Ҳаётдан бебахра, кўнгли бенаво, На ўлик, на тирик—дарди бедаво.

Ақл-идрок этар наслингни асил, Яна бу—билимдан мурудинг ҳосил.

Қора ер бетиде ёритиб йўлин, Билим балинд қилди одамзод қўлин.

Олмоқнинг бермоғи бор.

Ажаб ўхшашдурур билим ва ипор, Бировдан беркитиб ушламоқ душвор.

Ипорни яширсанг, ҳиди белгили, Билими ошқора—кими бор тили.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Август кенгашлари

ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

АЙНИ КУНЛАРДА МАКТАБЛАРДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАН ҲИҚУВЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШИНИНГ ЯЛПИ ВА ШЎБА ЙИГИЛИШЛАРИ БЎЛИБ ҲТМОҚДА.

Куни кеча Сергели туманидаги 322-ўрта мактабда пойтахт она тили ва адабиёти, ўзбек тили фани ўқитувчиларининг Август кенгаши бўлиб ўтди. «Таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш, юксалтириш учун янада изланайлик, ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатайлик» шiori асосида ўтказилган анжуманда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси методика маркази ва Республика Таълим марказининг маъсул ходимлари, барча туман методистлари, дарслик муаллифлари ва фан ўқитувчилари иштирок этишди. Анжуманда 322-мактаб директори Гулнора Эргашева она тили ва адабиёти, ўзбек тили фанларидан амалга оширилган ишлар, Миллий дастур бўйича ҳар бир ўқитувчининг вазифалари, РТМ мутахассислари М.Абдураимова, Н.Ғуломовалар янги ўқув йили учун амалда жорий қилинган дарсликлар, дастур ва режадаги ўзгаришлар, Тошкент шаҳар педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчилари Ф.Мухаммедова, Г.Мухаммаджоновалар ўқитувчиларнинг методик таъминот ва малака оширишга эҳтиёжлари ҳақида, профессор — Р.Толипова, Б.Тўхлиев, доцент О.Мадаевлар эса дарс самарадорлигини ошириш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Иштирокчилар

га 300-мактаб ўқитувчиси Нигора Умарованинг адабиёт фанидан Интернетда очган сайлари, жумладан «Абдулла Қаҳҳор —100 ёшда» сайтининг тақдироти йиғилганларга манзур бўлди. Анжуман якунида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2007» танлови республика босқичи голиби Х.Раупова, танловнинг шаҳар босқичи голиблари — Ш.Раупова, Д.Зуфарова, Ф.Бадалова, Д.Облокулова, Х.Нишоновна, 322-мактаб раҳбари Г.Эргашеваларга Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Қизгин баҳс-мунозаралар, тақлифлар асосида ўтган йиғилиш иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Чилонзор туманидаги 217-мактабда бўлиб ўтган шаҳар меҳнат таълими фани ўқитувчиларининг аънавий Август кенгаши ялпи ва шўба йиғилиши ҳам қизиқарли ва ўзгача тарзда ташкил этилди. Йиғилишда Республика Таълим маркази ходимлари, ТШПҚТМОИ ўқитувчилари, дарсликлар муаллифлари, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси—2007» танловининг голиб ва совриндорлари ҳамда туман халқ таълими бўлимидаги вакиллар қатнашдилар.

Анжуманда шўба иштирокчилари ўқувчилар томонидан тайёрланган «Моҳир кўлар» кўргазмаси билан танишиб, очик дарсларни кўзатишди.

—Шўба йиғилишларида баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, инсерт, имитация ўйин, танқидий тафаккур шаклидаги интерфаол усулларда замонавий ахборот-коммуникация техно-



логияларидан фойдаланган ҳолда семинар-тренинг олиб борилди.—дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси методисти Озода Ваҳобова.— Шунингдек, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2007» совриндорлари тақдирланди ҳамда халқ таълими ходимларининг иқтисодий ва молиявий саводхонлигини ошириш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва методистлар, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси—2007» танловининг иб ва совриндорлари Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг эсдалик совғоли билан тақдирландилар.

Гулором ҲАЙДОВА СУРАТЛАРДА: Август кенгаши ва шўба йиғилишларида лавҳалар Владимир Грин ва Алексей Попов олган сатлар

Тадбирлар

“КАМОЛОТ”ДА ЁЗ, ЎТАР ЖУДА СОЗ!”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДАГИ “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВATЛАШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИгини ЯНАДА ОШИРИШ ТўғрисиДА ГИ ҚАРОРИ ҲАМДА «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСINI ТАЪМИНЛАШ, ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ, УЛАРНИНГ БўШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ЁШЛАР ўРТАСИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТ, СОғЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРғИБ ҚИЛИШ, ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР ВА ТУРЛИ ЮқУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ҲАқиДА ЧўқУРРОқ ТУШУНЧА БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МИРЗО УЛУғБЕК ТУМАН БўЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН “ЁЗНИ “КАМОЛОТ”БИЛАНИ” ЛОЙИХАСИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА.

Ўтган вақт давомида ёзги таътилни ўз маҳаллаларида ўтказаяётган минглаб пойтахтлик ёшлар “Ёзни “Камолот” билан!” лойиҳасида фаол иштирок этишмоқда. Лойиҳа ўз ичига бир қанча йўналишларни олиб, унда маданий маърифий тадбирларни уюштириш ҳамда кўчма спорт уйинлари, сийёсий-ҳуқуқий билимларни ва диний саводхонлигини ошириш, чет тиллардан сабоқ бериш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва компьютер саводхонлиги кабилар ўрин олган.

Ана шундай қизиқарли тадбирлардан бири, туманинг Авайхон маҳалласида жойлашган 112-сонли мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳда бўлиб ўтди. Унда маъмурият тадбир-

нинг бадий қисмини ташкиллаштиришда “камолот”чиларга катта ёрдам берди. Мактабнинг оромгоҳ тарбияланувчилари томонидан тайёрланган рақс, қўшиқлар ва сахна кўрсатишлари лойиҳа қатнашчилари ҳамда меҳмонларга бирдек манзур бўлди. Куннинг ярмига келиб тиним билмайдиган “камолот”чилар “Фарзандлари соғлом юрт—қудратли бўлар!” шiorига амал қилиб “Кўчма спорт” мусобақаларини ҳам шижоаткорлик билан бошлашди. Спорт мусобақаларидан футбол бўйича 4 гуруҳга бўлинган жамоалар орасида, «Умид» жамоаси голиб бўлди. Шахмат ва шашка бўйича бир қатор мактаб ўқувчилари “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улугбек ту-

ман бўлими Кенгаши томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларига эга бўлишди.

Айтиб ўтиш жоизки, шундай лойиҳалардан яна бири — пойтахт маҳалла болалари учун “Лидерлар мактаби” ўқув семинари ўз мавсумини бошлади. Бу лойиҳа ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишда, келажакда олдларига қўйган мақсадларига эришиш учун йўл кўрсатувчи ва ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи ҳамда юртимизда амалга оширилаётган янги ҳаётга қадам қўйиш ва “Лидерлар мактаби” аъзолари сафини кенгайтириш каби мақсадлар йўлида ташкил этилган.

Яна бир лойиҳа эса компьютер саводхонлиги бўлиб бунда билимларини ошироқчи бўлган ёшларни ахборот технология воситаларидан фойдаланиш, билимларини ошириш ҳамда касб ўрганиш имкониятини яратишга қаратилгандир.

Зеро, келажакни юксалтириш, юртга муносиб бўлиб волега этиш учун ёшларга яратилаётган барча имкониятлардан унумли фойдаланиш ўз қўлимизда, шошилинг, азиз тенгдош, фурсатни бой берманг, барча эзгуликка йўрилган лойиҳалар сизнинг эртангиз кафолати.

Хуршид МИРЖАМОЛОВ, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати “Бунёдкор” ёшлар телеклуби аъзоси

Футбол

ШЕВЧЕНКО ШАШКИХП ҚАРШИ ТўП СУРАДИ

МУХЛИСЛАРГА МАЪЛУМКИ, 2010 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ ДАСТАБКИ БОСҚИМГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ.

Унга кўра Рауф Инилеев бош мураббийлигида ўзбекистон миллий терма жамоаси Хитой тайпейилик чм тўп усталарига қарши майдонга тушади. Ушбу учрашувдан терма жамоанинг ҳозирги ҳолати ва имконияти яна бир қарра кўздан кечириш мақсадида терма жамоани футболчилари бугун Украина пойтахти Киев шаҳрида жаина терма жамоаси билан назорат ўртоқлик учрашува куч синашадиган бўлиши. Ушбу баҳс ҳар икки термажамоа учун муҳим бўлганлиги боис бош мураббийлар Ол Блохин ва Рауф Инилеев майдонга тушиши мумкин бўлган уйинчилар рўйхатини эълон қилишди. Унга кўра х икки терма жамоага энг кучли деб ҳисобланган футболчилар жалб этилди. Ушбу учрашувда Украина шарафини Александр Шовковский, Андрей Попов, Максим СтарцеАлександр Грицай, Андрей Русаль, Андрей НесмачнийАлександр Кучер, Владимир Езарский, Максим Калинин, Анатолий Тимощук, Олег Гусев, Руслан Ротань, Тар Михалик, Олег Шалаев, Сергей Назаренко, Сергей Дюловский, Андрей Шевченко, Андрей Воронин, АлександрЛадкилар химоя қилишса, малакатимиз терма жамоада — Игнатий Нестеров, Павел Бугало, Хайрулла Карим, Анвар Фофуров, Илхом Суянов, Бахтиёр Ашурматов, ядмир Радкевич, Ислом Иномов, Темуր Копадзе, Ҳаа Каримов, Жасур Ҳасанов, Ренат Байрамов, Сервезепаров, Виктор Карпенко, Ҳикмат Ҳошимов, Максим Цких, Улугбек Бақоев, Александр Гейнрих, Павел Солонлар тўп суришади.

Биз эса кўпминг сонли мухлислар номидан ҳамюзари-мизга ушбу учрашувда галаба ёр бўлишини тилаб қолиш. Ақбар ЙЎЛДШЕВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққати! Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефон» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган. Сизнинг қоржонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Худудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Мунажжим башорати БОШЛАГАН ИШИНГИЗНИ ЧАПА ҚОШИДИРМАГ 23 АВГУСТ, ПАЙШАНБА Бугунги кун одамларда зеб-зийнат ва ўзига оро беришга, манишатга мойиллик билан боғлиқ бўлади. Марс билан Юпитернинг «ҳалокатлар ўқида»ги ўзаро муҳолифлиги баъзиларни куч ишлатиб имтиёзларга эга бўлишга ундайди. Ойнинг 11-куни қудратли қувватларнинг уйғониш пайти ҳисобланиб, бугун бошлаган ишингизни зинҳор чала қолдириш мумкин эмас. Ҳар қандай ишда диққат ва эҳтиётлик талаб этилади. Бирон жароҳат олишбугун химоянгиз заифлашидан далолат бўвчи ноҳуш аломат ҳисобланади. Ёмғирда қиш — кўпгина муаммоларингиздан қутулишигизга ишора. БУГУН: —бирон-бир ишни ниҳоясига еткази —хизмат сафарига, жамоавий саёҳат ёилавий сайрга чиқиш; —ишлаб қилириш ва молиявий муамоларни бартараф этиш.

«ИПОТЕКА — БАНК» Акциядорлик тижорат Ипотека банки Кенгаши, Банк акцияларининг, 2007 йил 7 августда Р0775-3-сонли учинчи эмиссия рисоласи давлат рўйхатидан ўтганлигини маълум қилади. Чиқарилган акциялар тўғрисида қисқача маълумот: •чиқарилган қимматли қоғозлар тури ва шакли: ЭГАСИ ЁЗИЛГАН ОДДИЙ ВА ИМТИЁЗЛИ АКЦИЯЛАР НАҚДСИЗ ШАКЛИДА; •чиқарилаётган акциялар сони: 15 000 000 (ўн беш миллион) дона, шу жумладан 14 500 000 (ўн тўрт миллион беш юз минг) дона оддий ва 500 000(беш юз минг) дона имтиёзли акциялар; •бир дона акциянинг номинал қиймати: 1 000 (бир минг) сўм; •чиқаришнинг умумий ҳажми (номинал қийматида): 15 000 000 000 (ўн беш миллиард сўм; Чиқарилган акциялар ўрнатилган тартибда, акцияларни сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуқ эга бўлган Банк акциядорлари 2007 йилни 27 августдан бошлаб, Банк акциядорлар бўлмаган жисмоний шахсларга 2007 йилни 11 сентябрдан бошлаб сотилиши кўзда тутиган. Агар акцияларни харид қилиш истагида бўлсангиз қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. «Ипотека-банк» ТИБТШФ Амалиёт бошқармаси филиали Тел: 150-47-85, факс:136-26-60

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«АВТОУСТОЗ» Ўқув КОМБИНАТИ АВТОМОБИЛЬ БОШҚАРИШНИ ЎРГАТУВЧИ УСТА ЛАВОЗИМИГА ҲАЙДОВЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ ТЕЛ: 117-19-52

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г- 706

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимида ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қоржона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41 1 2 3 4